

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.30.08.2018.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**САЪДУЛЛОЕВА ИРОДА ҚУРБОНОВНА**

**БОЛАЛАРДА ТУҒМА ЮРАК НУҚСОНЛАРИДА  
ИММУН-ЭНДОКРИН КЎРСАТКИЧЛАРНИНГ  
КЛИНИК-ДИАГНОСТИК ВА ИСТИҚБОЛЛИ АҲАМИЯТИ**

**14.00.36 – Аллергология ва иммунология  
14.00.09 – Педиатрия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)**

**Саъдуллоева Ирода Қурбоновна**

Болаларда туғма юрак нуқсонларида иммун-эндокрин  
кўрсаткичларнинг клиник-диагностик ва истиқболли  
аҳамияти..... 5

**Саъдуллоева Ирода Қурбановна**

Клинико-диагностическое и прогностическое значение  
иммуно-эндокринных показателей при врожденных  
пороках сердца у детей..... 17

**Sa'dullaeva Iroda Kurbonovna**

Clinical-diagnostic and prognostic value of immuno-endocrine  
indicators in children with congenital heart defects..... 33

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 37

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.30.08.2018.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**САЪДУЛЛОЕВА ИРОДА КУРБОНОВНА**

**БОЛАЛАРДА ТУГМА ЮРАК НУҚСОНЛАРИДА  
ИММУН-ЭНДОКРИН КЎРСАТКИЧЛАРНИНГ  
КЛИНИК-ДИАГНОСТИК ВА ИСТИҚБОЛЛИ АҲАМИЯТИ**

**14.00.36 – Аллергология ва иммунология  
14.00.09 – Педиатрия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Tib589 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.immunology.uz](http://www.immunology.uz)) ва «Ziyonet» таълим ахборот тармоғида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Наврузова Шакар Истамовна**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Раҳманқулова Зухра Жандаровна**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Бобомуратов Турдикул Акрамович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент врачлар малакасини ошириш институти**

Диссертация ҳимояси Иммунология ва инсон геномикаси институти ҳузуридаги DSc.30.08.2018.Tib.50.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Я.Ғуломов кўчаси, 74.Тел./факс (99871) 233-08-55, e-mail: [immunologiya@qip.ru](mailto:immunologiya@qip.ru)).

Диссертация билан Иммунология ва инсон геномикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Я.Ғуломов кўчаси, 74. Тел./факс (99871) 233-08-55.

Диссертация автореферати 2018йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2018 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Т.У.Арипова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

**З.С.Камалов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**А.А.Исмаилова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Сўнгги йилларда экологик зарарли омилларнинг инсон организмига таъсири иммун тизим фаолиятининг пасайиши, мутацион прессинг туғма аномалияларнинг шаклланиши ҳамда уларнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотиغا кўра барча давлатларда туғма нуқсонлар ривожланиши касалликлар келиб чиқишининг 10 та асосий сабабларидан бирини ташкил этади. Турли мамлакатларда туғма нуқсонлар билан туғилиш частотаси ҳар 1000 нафар туғилган болага 1,7 - 14,1 ҳолат тўғри келади. (DALYs)<sup>1</sup>. Туғма нуқсонлар билан туғилган болалар ўлими структурасида туғма юрак нуқсонлари натижасидаги ўлим биринчи ўринни эгаллаб келмоқда<sup>2</sup>.

Жаҳонда болаларда туғма нуқсонлар келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, иммуногенетик тадқиқотлар асосида касалликни эрта босқичда ташхислаш, даволаш ва профилактика усуллари такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада туғма юрак нуқсонларида биокимёвий ва иммунологик кўрсаткичларининг ўзгаришини аниқлаш, ўткир яллиғланиш жараёнининг медиаторлари миқдорини аниқлаш, эрта ташхислаш ва жарроҳлик даволаш усуллари ишлаб чиқиш, генетик маркёрларни аниқлаш, даволашда янги иммуномодулятор препаратларни қўллаш ва реабилитация чора-тадбирларини такомиллаштириш илмий-тадқиқотларнинг устивор йўналиши бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимиз аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан туғма нуқсонлар келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, эрта ташхислаш, даволаш ва реабилитация сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишни кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоқлар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни янада кенгроқ амалга ошириш»<sup>3</sup> вазифалари белгиланган. Бу борада жумладан болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, айниқса, эрта болалик даврида туғма нуқсонли касалликларини ташхислаш ва даволашни юқори замонавий усуллари ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

<sup>1</sup> The global strategy for women's, children's and adolescents' health (2016-2030). Every Woman Every Child. Saving lives, protecting futures: Progress report on the Global Strategy for Women's and Children's Health. New York: United Nations, 2015. [www.who.int/maternal\\_child\\_adolescent/documents/global-strategy-women-children-health-ru.pdf/ua=1](http://www.who.int/maternal_child_adolescent/documents/global-strategy-women-children-health-ru.pdf/ua=1) - 679k

<sup>2</sup> Ахмедова Н.Р., Махкамова Г.Г. Клинические особенности течения врожденных пороков сердца у детей раннего возраста с тимомегалией // Педиатрия №1-2,-2013.-с.- 20-21.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси»ги ПФ-4947-сон Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» ПФ-4947-сон Фармони, 2016 йил 2 ноябрдаги «Ўзбекистонда 2016–2020 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2650-сон ва 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3071-сон Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ногиронликка олиб келувчи туғма нуқсонлар орасида, туғма юрак нуқсонлари 15-20% ни ташкил этади (Бокерия Л.А. 2008). Туғма юрак нуқсонлари орасида қоринчалар аро тўсиқ нуқсони кўп учрайди ва структурада 20% ни ташкил қилади (В.А.Квашевич ва ҳаммуаллифлар, 2013).

Туғма юрак нуқсони шаклланишида ТВХ20 гени полиморфизмининг аҳамияти ўрганилган. rs3999950нинг туғма юрак нуқсони ривожланиши билан алоқаси борлиги ҳамда ТВХ20 гени полиморфизми орқали болага туғма юрак нуқсонига мойиллик берилиши аниқланган (Yang X F., 2016). Протеин прекурсорларининг функционал соҳаларида жойлашган 35 пептидлар, туғма юрак нуқсони ривожланишига олиб келувчи омил, биологик фаол пептидлар бўлиши мумкин (Li X., 2016). HIF-1 $\alpha$  туғма юрак нуқсони ривожланишида аҳамиятга эга ҳисобланиб, юрак-қон томир касалликлари давосини режалаштиришни такомиллаштиришда зарур маркер бўлиб хизмат қилиши мумкин (Yin H L., 2016).

Туғма юрак нуқсонли чап-ўнг шунт бўлган болаларда ФНО- $\alpha$  нинг ортиши гипоксия билан боғлиқ бўлиб, бу болаларнинг ўсишдан орқада қолишига олиб келади (Noori N Matall, 2016). 2006-2011 йилларда УзР ССВ РПАМда ўлик туғилганлар, чақалоқлар ва 14 ёшгача бўлган болалар мурдаси текширилганда уларнинг 4,8%и да ТЮН аниқланиб бу халқаро регистр кўрсаткичларидан 5-7% кам эканлигини кўрсатган (М.С.Абдуллаходжаева, 2012). Мавжуд адабиётларда туғма юрак нуқсонларида қалқонсимон без гормонлари ва кортизол миқдорини текширилганлиги ҳақида маълумотлар етарлича эмас ва бу гипоталамо-гипофизар ҳамда буйрак усти бези ҳолатини аниқлашни талаб қилади. Бир қанча илмий ишлар ҳулосасига қарамай туғма юрак нуқсонларининг кечиши ва прогнозидида иммун-эндокрин кўрсаткичларнинг аҳамияти ҳақида ягона ҳулоса якунига етмаган.

Бизнинг кўп йиллик кузатувларимиз туғма юрак нуқсони бўлган болаларни узлуксиз олиб боришда ҳамда юзага келадиган муаммоларни ҳал қилишда иммунитет ва эндокрин тизими ҳолатини баҳолаш муҳим рол

эгаллашини кўрсатди. Туғма юрак нуқсонларида операциядан кейинги асоратларни, ногиронлик ва ўлимни камайтиришга эришиш учун бу болаларни хирургик коррекциядан олдин ва кейинги даврда олиб боришнинг ягона концепциясини ишлаб чиқишда узлуксизлик принцигга амал қилиш керак. Самарали препаратни қўллаш орқали иммунокоррекция усулини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Айнан шунинг учун тақдим этилган диссертация иши долзарб ҳисобланади ҳамда тадқиқот янги илмий натижаларга эришишга мўлжалланган, унинг жорий этилиши эса клиник вазифалар ечимига, айниқса ТЮНнинг прогнозлашни такомиллаштиришга ёрдам беради. Ушбу муаммолар билан боғлиқ бўлган барча саволлар мавзуни батафсил ўрганишга хизмат қилади ва ушбу тадқиқотни ўтказиш заруратини кўрсатади.

**Диссертация тадқиқотиининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №01.002 «Бухоро худуди иссиқ иқлими шароитида организмнинг патология олди ва патологик ҳолатларини эрта ташхислаш, даволаш ва профилактикасига янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш» (2017-2021 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** туғма юрак нуқсони бўлган болаларда иммун-эндокрин кўрсаткичларнинг клиник-диагностик ва истиқболли аҳамиятини баҳолашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Бухоро вилоятида яшовчи болалар туғма нуқсонлари таркибида туғма юрак нуқсонларининг клиник-статистик таҳлилини амалга ошириш;

болалар туғма юрак нуқсонларида иммун-эндокрин тизими кўрсаткичларининг мақомини аниқлаш;

туғма юрак нуқсони бор болаларда ҳужайравий ва гуморал иммунитет билан тиреоид ва кортикал гормон кўрсаткичларининг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш;

туғма юрак нуқсонлари бўлган болаларнинг комплекс реабилитациясида операциядан аввал ва кейин иммунокоррегирловчи даво самарасини баҳолаш.

туғма юрак нуқсони бор болаларни текшириш дастури ва уларни динамикада назорат қилиб бориш тактикасини оптималлаштириш;

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Бухоро вилоятида яшовчи 526 нафар туғма юрак нуқсони бўлган бемор болалар олинди. Назорат гуруҳини 30 нафар соғлом болалар ташкил қилди.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида болалар вена қони ва зардоби биокимёвий ва иммунологик тадқиқотлар учун олинди.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда умумклиник, функционал, биокимёвий, иммунологик, гормонлар таҳлили ва статистик усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

болалар туғма юрак нуқсонларида CD16+, CD20+ лимфоцитлари сони ва ФНО-α, ИЛ-10 миқдорининг ишонарли ортиши ҳамда CD4+-хужайралар сонининг ишонарли камайиши аниқланган;

туғма юрак нуқсонларининг оқ турида умумий Т3 ҳамда эркин ва умумий Т4 миқдорларининг пасайиши, кўк турида умумий Т3 миқдорининг пасайиши ва эркин Т4 миқдорининг ортиши аниқланган;

туғма юрак нуқсони бор болаларда хужайравий ва гуморал иммунитет билан тиреоид ва кортикал гормонлар миқдори кўрсаткичларининг ўзаро боғлиқлиги аниқланган;

коринчалар аро тўсиқ нуқсони бўлган болаларда операциядан олдин ва кейинги даврда тимоген препарати билан даволаш иммун ва эндокрин тизим ҳолати мувозанатини барқарорлаштирувчи таъсир кўрсатиши исботланган;

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

илк бор Бухоро вилоятида яшовчи болалар туғма нуқсонлари таркибида туғма юрак нуқсонларининг учраши даражаси аниқланган;

коринчалар аро тўсиқ нуқсони бор болаларни текшириш, даволаш усулларини танлаш ва асоратлар ривожланишини прогностлаш учун компьютер дастури ишлаб чиқилган;

туғма юрак нуқсонлар билан туғилган болалар учун операциядан олдин ва кейинги иммунокоррегирловчи даво комплекси ишлаб чиқилган;

туғма юрак нуқсонли бемор болаларни ташхислаш, олиб бориш тактикаси, тезкор реабилитацияни таъминлаш, операциядан кейинги асоратларни ва ногиронликни камайтиришга қаратилган янги ёндошувлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлари билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотда олинган натижаларнинг илмий аҳамияти болалар туғма юрак нуқсонларида иммун-эндокрин кўрсаткичларининг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш республикада келажакда чуқур тадқиқотлар олиб бориш учун замин яратган. Болалар туғма юрак нуқсонларининг оқ турида умумий Т3 ҳамда эркин ва умумий Т4 миқдорларининг пасайиши, кўк турида умумий Т3 миқдорининг пасайиши ва эркин Т4 миқдорининг ортиши, хужайравий ва гуморал иммунитет билан тиреоид ва кортикал гормонлар миқдори кўрсаткичларининг ўзаро боғлиқлиги ушбу патология патогенезининг янги жиҳатларини очиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган туғма юрак нуқсонли бемор болаларни ташхислаш, олиб бориш тактикаси, операциядан олдин ва кейинги иммунокоррегирловчи даво комплекси, тезкор



реабилитацияни таъминлаш, операциядан кейинги асоратларни ва ногиронликни камайтиришга қаратилган янги ёндошувлар даволаш самарадорлигини ошириш ва беморлар ҳаёти сифатини яхшилаш имконини бериши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Туғма юрак нуқсонли бемор болаларни иммун-эндокрин ҳолатини аниқлаш ва уларни олиб бориш тактикасини оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Туғма юрак нуқсонли болаларда иммун-эндокрин кўрсаткичларнинг аҳамияти» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 24 майдаги 8н-д/123-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма туғма юрак нуқсонли болаларда иммун-эндокрин ҳолатидаги бузилишларни эрта аниқлаш ва ўз вақтида даволаш чоратадбирларини қўллашга хизмат қилади;

болаларда туғма юрак нуқсонларида иммун-эндокрин кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш, ташхислаш ва даволашнинг янги услулларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан, Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмаси ва Бухоро вилояти Жондор тумани тиббиёт бирлашмаси амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 26 ноябрдаги 8н-з/210-сон маълумотномаси). Жорий қилинган натижалар тиббий ёрдам сифатини оширади, ташхислаш ва даволашнинг янги услубларни қўллаш орқали туғма юрак нуқсонлари бўлган беморларни юқумли касалликлар билан касалланишини 80% га камайтиришга, операциядан кейинги асоратларни 13-25% гача пасайтиришга, беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш ҳамда болаларни стационарда даволаниш муддатини қисқартириш ҳисобига иқтисодий самарадорликка эришишга имкон яратади.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсад ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган. Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги

асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишнинг апробацияси натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Туғма юрак нуқсонларининг учраш даражаси, диагностикаси ва даволашда замонавий қарашлар**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи, ундан ташқари туғма юрак нуқсонининг учраш даражаси, ривожланишидаги хавф омиллари, диагностикада перинатал скрининг ва унинг прогностик аҳамияти келтирилган. Туғма юрак нуқсони бўлган болаларни олиб бориш муаммолари таҳлил қилинган. Кейинги текширувларни талаб қилувчи, мунозарали саволлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Текширилган болаларнинг тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида текширилган болаларнинг умумий хусусиятлари ва махсус тадқиқот усуллари келтирилган. Мақсад ва вазифага мос равишда болаларда туғма юрак нуқсонларини учраш даражасини аниқлашда Бухоро вилояти Соғлиқни Сақлаш бошқармасининг 2012-2016 йиллардаги расмий статистик маълумотларидан фойдаланилди. Мақсад ва вазифага эришиш учун 526 та госпитализациядаги болалар текширилди ва улардан 160 та онасида иммунологик ва эндокринологик касалликлари бўлмаган болалар танлаб олинди.

Бемор болаларнинг қон иммунологик текшируви ЎзРФА Иммунология ва инсон геномикаси институти, иммуноморфология лабораториясида ўтказилди. Хужайравий ва гуморал иммунитет кўрсаткичлари, цитокинлар (ИЛ-10, ФНО- $\alpha$ ) ҳолати ўрганилди. Қон анализи динамикада операциядан олдинги даврда ва ТЮН хирургик коррекциясидан кейинги биринчи 3 ва 6 ойларда олинди.

Инсон лимфоцитларини асосий популяцияларини аниқлаш учун Россия Соғлиқни Сақлаш вазирлиги Иммунология институтида «Сорбент» ЦПС (Москва) бевосита розетка ҳосил қилиш усулида ишлаб чиқилган LTсериясининг моноклонал антителолари ишлатилган.

G, A, M синфидаги иммуноглобулинларни қон зардобидида аниқлаш Manchini бўйича радиал иммунодиффузия усулида иммуноглобулин G, A, M га қарши моноспецифик зардобни қўллаш орқали аниқланди. Ҳар бир текширилган намунадаги иммуноглобулин даражаси калибрлаш эгрилиги билан аниқланди ва мг% орқали кўрсатилди.

Айланиб юрувчи иммун комплекс концентрацияси Naskova et al. (1978) усулида текширилди. Бу усул полиэтиленгликол (ПЭГ, молекуляр массаси-6000) муҳитидаги иммун комплекс таркибида бўлган турли эрувчанликдаги иммуноглобулин мономерларининг нефелометриясига асосланган бўлиб, фотокалориметрдаги (450 нм тўлқин узунлигида СПК-2М) зардобнинг нур тарқатишини ўлчаш орқали аниқланди. Тошкент шаҳридаги «Нихол» кичик корхонасининг тест тўпламидан фойдаланилди.

Лейкоцитларнинг фагоцитар фаоллиги Кудрявцева (1984) усулида лейкоцит ва латекс заррачалари аралашмаларини термостатда 37°C да 30 минут

давомида инкубация қилиш йўли орқали аниқланди. Латекс заррачаларини ютган нейтрофиллар миқдори саналди. Олинган натижалар %ларда ифодаланган. Ишда 1,5 микрон диаметрли меламиноформальдегидли латекс ишлатилди. (Биологик асбоб-ускуна ИТИ, Москва).

Цитокинлар (ИЛ-10, ФНО $\alpha$ ) қон зардобидан ИФА усулида кўрсатмага асосан аниқланди. «Цитокин» тест тўпламидан (СПб,Россия) фойдаланилди.

ТЮН бўлган болаларнинг тиреоид (Т3, Т4, ТТГ) ва кортикоид (кортизол) ҳолати қон таҳлили Бухоро шаҳридаги диагностика марказида STATFAX 303 (АҚШ, 2010 г) ускунасида, АО ВЕКТОР-БЕСТ (ISO 9001 ва ISO 13485 халқаро сертификатлар, Россия) стандарт реагент тўпламидан фойдаланиб аниқланди. Қон таҳлиллари эрталаб наҳорда оч қоринда ва эрталабги ювинишдан аввал, операциядан олдин ҳамда ТЮН хирургик коррекциясидан кейинги биринчи 3 ва 6 ойларда олинди.

Иммунокоррекция мақсадида Тимоген препарати қўлланилди. Болаларга ёшига мос дозада суткада 1 марта интраназал қўллаш тавсия этилди.

Олинган натижаларнинг статистик таҳлили вариацион статистика усулида амалга оширилди. Ўртача фарқлар ишончилиги Стьюдент (t) мезони асосида тарқалиш нормаллиги ва асосий дисперсия тенглигини (F–Фишер мезони) текширишда хатолар эҳтимолини (P) ҳисобга олиб баҳоланди. Корреляцион таҳлил Спирмен (Rs) ва Пирсон (r) усулларида фойдаланиб олиб борилди.

Диссертациянинг «**Туғма юрак нуқсонларининг Бухоро вилояти болалари орасида тарқалиши**» деб номланган учинчи бобида 5 йил (2012-2016й) давомида ўрганилган ретроспектив текширув натижалари келтирилган. ТЮН тарқалиш даражаси аниқланди, у ҳар 1000 та туғилган болада 4,72 тани ташкил этди. ТЮНдан ўлим кўрсаткичи 12,7%ни, туғма ривожланиш нуқсонларидан юзага келган ўлим структурасида 40,2%ни ташкил қилади. ТЮНдан ўлим даражаси 0,11 промиллини ташкил этди. Ўлим даражаси яшаш жойига кўра ўрганилганда қишлоқ аҳолисида 4,9 марта кўп учраши аниқланди. Қишлоқ шароитида яшовчи болаларда ТЮН 4,0 марта кўп ва айниқса мураккаб турлари кўп учради. Яшаш жойи ва жинсга нисбатан ТЮН тарқалиш даражаси таҳлил қилинганда қишлоқ шароитида яшовчи қиз болаларда 3,4 марта ўғил болаларда 4,9 марта кўп учраши кузатилди. 5 ёшгача бўлган болалар кўп госпитализация қилинади.

Ўлим даражаси хирургик коррекция қилинмаган 5 ёшгача бўлган болаларда юқори бўлиши аниқланди. ТЮН структурасида ҚАТН-44,8%, ФТ-17,1%, БАТН – 15,1%, ва МТТ-8,5% устунлик қилади.

Диссертациянинг «**Туғма юрак нуқсонларининг кечилш хусусиятлари**» деб номланган тўртинчи бобида болаларда ТЮНларининг клиник-иммунологик хусусиятлари келтирилган. ТЮН бўлган болаларда назорат гуруҳига нисбатан иммун дисбаланс синдромининг юзага келиши ( $p < 0,01$ ) аниқланган.

Болаларда туғма юрак нуқсонидан лимфоцитларнинг умумий миқдори нисбий ва мутлоқ қийматларда назорат гуруҳига нисбатан ( $p < 0,05$ ) пасайган, айниқса ФТда бу пасайиш ( $p < 0,01$ ) яққол намоён бўлади.

ТЮНда Т-хелпер/индукторларнинг пасайиши ( $P<0,01$ ) аниқланди. Абсолют миқдори таҳлил қилинганда, ҚАТН- $1178\pm 11,2$  та, ФТ- $1455\pm 9,5$  та 1 мклда ( $p<0,01$ ) дефицит кузатилди.

Т-супрессорлар/цитотоксик лимфоцитлар нисбий ва мутлоқ қийматларининг концентрацияси ФТда–  $26,3\pm 2,0\%$  ва  $401\pm 3,0$  1 мклда ( $p<0,01$ ) ошди. ҚАТНда CD8<sup>+</sup>-лимфоцитлар миқдорининг нисбий қиймати назорат гуруҳидаги беморлардан фарқ қилмади, абсолют қиймати эса бу гуруҳдаги лейкоцитоз ҳисобидан бир оз ошгани аниқланди – 1 мкл.да  $378,0\pm 21,0$ .

НК-хужайраларнинг(CD16<sup>+</sup>) нисбий ва мутлоқ қиймати ҚАТН бўлган бемор болаларда 2,4 марта ошган бўлиб  $27,6\pm 2,1\%$  ва  $224\pm 9,0$  та 1 мкл. ( $p<0,01$ )ни ташкил қилди.

ТЮН да болаларда CD20<sup>+</sup> лимфоцитларнинг 1,7 мартага ошиши ( $p<0,01$ ) асосида CD4<sup>+</sup> лимфоцитларнинг икки мартага пасайиши аниқланди.

ҚАТН ва ФТ IgM миқдорининг мос равишда  $129\pm 2,0$ ,  $138\pm 3,7$  мг/% ошиши хос бўлди. ҚАТН ва ФТда IgG концентрациясининг пасайганлиги кузатилди ҳамда у мос равишда- $1121\pm 3,9$  ва  $1111\pm 5,0$ мг%ни ташкил қилди.

Носпецифик ҳимоя омилларини ўрганганимизда фагоцитларнинг функционал етишмовчилиги барча гуруҳ беморларда аниқланди ( $p<0,01$ ).

Айланиб юрувчи иммун комплекснинг миқдори ўрганилганда назорат гуруҳига нисбатан ҚАТНда( $p<0,01$ ) 2,5марта ошганлиги аниқланди.

Бемор болаларда нуқсоннинг табиий кечишида цитокин миқдори ўрганилганда операциядан олдинги даврда ИЛ-10 ва ФНО- $\alpha$  титрининг назорат гуруҳига нисбатан 4 марта ошганлиги аниқланди ва бу ҳолат пролифератив жараённинг кучайганлиги ва гиперкоагуляциядан далолат беради.

Бемор болаларда иммунитет ҳолати туғма юрак нуқсонининг хирургик коррекциясидан кейинги биринчи 6 ой давомида ўрганилди.

ҚАТНда НК-хужайралар нисбий миқдорининг 2,4 мартага( $p<0,01$ ) ва ИЛ-10 и ФНО- $\alpha$  миқдорининг 4 мартага ошиши; ФТда Т-лимфоцитлар дефицитининг турғун давом этиши ҳамда супрессор(CD8) ва айниқса киллер (CD16) фаоллигининг компенсатор ўсиши аниқланди. G, A ва M иммуноглобулинларининг концентрациясини динамикада таҳлил қилинганда барча туғма юрак нуқсонларида IgA миқдорининг пасайганлиги аниқланди.

ФНО- $\alpha$  нинг турли йўналишдаги иммуномодулятор таъсири барча нуқсонларда, айниқса ҚАТНда аниқланди. Бу ФНО- $\alpha$  нинг ИЛ-10 билан тескари алоқа принци бўйича ўзига хос ўз-ўзини бошқариш механизмини исботлайди. Нейро-гуморал бошқарув бу ҳолатда гиперкоагуляция ва пролифератив жараёнларнинг кучайишига йўналтирилган. ТЮНнинг табиий кечишида иммун системанинг фаолияти адаптив иммунитетнинг шаклланиши билан кечади ва бу Т-лимфоцитлар популяцияси дисбаланси фонида В-хужайралар звеносининг фаоллашуви билан амалга ошади.

Операциядан олдинги даврда тиреоидо-кортикал ҳолатни ўрганганимизда ҚАТНда умумий Т3ни ҳамда эркин ва умумий Т4нинг пасайиши; ФТда умумий Т3нинг пасайиши, эркин Т4нинг ошиши кузатилди. Операциядан олдинги даврда ТЮНли 10 ёшгача бўлган болаларда ТТГ миқдорининг назорат гуруҳига

нисбатан 2,65 мартага пасайиши кузатилди. Пубертат даврининг бошланиши билан бу кўрсаткич(11-14 ёш) назорат гуруҳидаги болаларнинг кўрсаткичларига тенглашиб, 15-18 ёшдаги болаларда эса 1,36 мартага ошиши қалқонсимон без фаолиятини гипопиз томонидан фаол бошқарилишидан далолат беради( $p < 0,05$ ).

Операциядан кейинги даврда ҚАТНда ТТГ миқдори  $2,75 \pm 0,6$  Мед/л ўрнига  $1,62 \pm 0,7$  Мед/л.гача пасайиши, ФТда эса  $2,55 \pm 0,3$  Мед/л. ўрнига  $2,96 \pm 0,31$  Мед/л. га операциядан олдинги даврга нисбатан ошиши аниқланди.

ТЮН бўлган болаларда кортизол миқдорини текширганимизда 3 ёшгача бўлган беморларда 2,3 мартага, 4-5 ёшда 1,2 мартага назорат гуруҳига нисбатан ошиши кузатилди. 6-10 ёшдаги болаларда кортизол миқдори назорат гуруҳидаги болаларга нисбатан 1,2 мартага 11-14 ёшда эса 1,7 мартага пасайиши кузатилди. 15-18 ёшда бу кўрсаткич назорат гуруҳига нисбатан 3,1 мартага ошди.

ФТда энергия ҳосил бўлишини ва организмнинг барча тўқималарида кислородга эҳтиёжни ошишига қаратилган компенсатор гипертиреозид ҳолат аниқланди. ТЮНнинг барча турларида операциядан кейинги давр, айниқса биринчи 3ой қалқонсимон без фаолиятининг пасайганлиги билан характерли. Нейро-гуморал ҳолатни динамикада қалқонсимон без гормонлари ва кортизолни аниқлаш орқали ўрганганимизда, ТЮНнинг барчасида операциядан кейинги даврда (умумий ва эркин Т3 ва Т4нинг пасайиши) иккиламчи гипотиреоз ривожланишини кўрсатди. Операциядан кейинги даврда ТТГ миқдори ТЮН оқ тури(ҚАТН)да пасайиши, кўк тури(ТФ)да эса операциядан олдинги даврга нисбатан ошиши кузатилди.

Хирургик коррекциядан кейинги даврда ТЮНли болаларда кортизол миқдорининг барча ёшдаги болаларданазорат гуруҳидаги болаларнинг кўрсаткичларига нисбатан пасайганлиги (гипокортизолэмия) аниқланди. Бунда кортизол миқдори 3 ёшгача бўлган болаларда 1,3 мартага, 4-5 ёшда 1,1 мартага, 6-10 ёшда 1,16 мартага, 15-18 ёшда 1,8 мартага операциядан олдинги даврга нисбатан пасайган.


Операциядан олдинги даврдаги нейро-гуморал регуляция ва транзитор гипертиреозид(ҚАТН, ФТ)ҳолатни ҳамда нуқсоннинг хирургик коррекциясидан кейинги «латент» гипотиреозни инобатга олиб, қонда динамикада иммун-эндокрин кўрсаткичларни ўрганиш ТЮНнинг кечиш истиқболини аниқлашда ҳамда даволаш усулини, беморни олиб бориш тактикасини танлашда муҳим аҳамиятга эга.

60 нафар ТЮН бўлган болаларнинг иммунологик ва эндокринологик кўрсаткичларининг корреляцион таҳлилида цитокинлар ва қалқонсимон без гормонлари ҳамда кортизол орасида боғлиқлик борлигини кўрсатди. Ўрганилган цитокинлар орасидан фақат ФНО $\alpha$  билан эркин Т3( $r=0,779$ ) орасида юқори тўғри корреляцион боғлиқлик борлиги аниқланди.

Демак, корреляцион таҳлил орқали ТЮН бор бемор болаларда ички бошқарув механизмлари бўлган иммунитет ва гормонал системадаги ўзгаришлардан дарак берувчи иммунологик ва гормонал кўрсаткичларнинг юқори интеграцияси, гормонал кўрсаткичларнинг дисбаланси фонида иммун системанинг функционал зўриқишидан далолат беради.


Диссертациянинг «Туғма юрак нуқсони бор болаларнинг иммунологик кўрсаткичлар динамикасига коррекциянинг таъсири» деб номланган бешинчи бобида иммунокоррекция мақсадида 30 та ҚАТН бор болаларда Тимоген қўлланилишининг самарадорлиги натижалари келтирилган.

Қон иммунологик кўрсаткичларининг ижобий ўзгариши аниқланди: иммунотерапия фонида ҚАТН бўлган болаларда хирургик коррекциядан 3 ва 6 ойдан сўнг даволашдан олдинги даврга нисбатан  $34,2 \pm 1,0\%$  ва  $37,0 \pm 2,4\%$  гача ( $p < 0,05$ ) Т-лимфоцитлар миқдорининг ошиши. CD4<sup>+</sup>- лимфоцитларнинг нисбий миқдорининг операциядан олдин иммунотерапиядан 1 ойдан сўнг ва операциядан 3 ойдан сўнг назорат гуруҳига нисбатан  $32,2 \pm 1,1\%$  ва  $41,3 \pm 1,1\%$  гача, ҳамда операциядан 6 ойдан сўнг даволашдан олдинги даврга нисбатан  $44,7 \pm 1,1\%$  га нормаллашди ( $p < 0,05$ ). Иммунотерапия динамикасида хирургик даврдан сўнг CD4/CD8 нисбатининг меъёрга тушиши аниқланди (1-расм).



1-расм. ИМТдан сўнг хужайравий иммунитет кўрсаткичларини динамик ўзгариши

Тимогеннинг қўлланилиши ҚАТНнинг хирургик коррекциясидан 3 ойдан сўнг CD20<sup>+</sup> хужайралар сонининг иммунотерапиядан олдинги даврга ( $34,0 \pm 1,8\%$ ) нисбатан  $23,4 \pm 1,3\%$  гача пасайишига олиб келди. IgM ва IgG миқдори комплекс даврдан сўнг нормаллашди ва 1 ойдан сўнг мос равишда  $129 \pm 2,0$  мг/% иммунотерапиягача бўлган даврга нисбатан  $123 \pm 1,0$  мг/% ва  $1121 \pm 3,9$  мг/% дан -  $1012 \pm 3,5$  мг/% ( $p < 0,05$ ) ни ташкил этди. IgA концентрацияси иммунотерапиядан 1 ойдан сўнг ошиб боради ва ҚАТН хирургик коррекциясидан 3 ва 6 ойдан сўнг мос равишда  $130,0 \pm 4,1$  ва  $122,0 \pm 3,5$  мг/% ни ташкил этиб назорат гуруҳи кўрсаткичларига тенглашади (2-расм).



2-расм. ИМТдан сўнг гуморал иммунитет кўрсаткичларининг динамикада ўзгариши

ҚАТНда ошган CD16<sup>+</sup>-хужайралари хирургик даводан 6 ойдан сўнг пасайиб иммунотерапиядан олдинги даврга нисбатан назорат гуруҳига тенглашади ва мос равишда 27,6±2,1%дан 12,1±2,0%га тушади.

ҚАТНда фагоцитар активлик пасайган бўлиб 41,0±1,6% ни ташкил қилди, Тимоген билан ўтказилган даводан сўнг ошди ва хирургик коррекциядан 3 ойдан сўнг 47,0±1,3% бўлди(p<0,05). Давога тимоген қўшилганидан сўнг ҚАТНда айланиб юрувчи иммун комплекс миқдори пасайди(p<0,01).

Демак, ТЮН бўлган болаларда базис терапияга Тимогенни киритиш хужайра ва гуморал иммунитетнинг ўрганилган параметрларини тиклаш имконини беради.

Бу болаларда даводан 1 ойдан сўнг Т-лимфоцитлар умумий миқдори, Т-супрессор/цитотоксик лимфоцитлар, Т-хелперлар/ индукторлар, натурал киллер хужайралар, G, A, M иммуноглобулинларнинг меъёрлашуви кузатилди.

ТЮН бўлган болаларни текшириш ва уларни олиб бориш тактикасини оптималлаштириш учун дастур ишлаб чиқишда режали хирургик давога мухтож бўлган 120 нафар ТЮН бўлган бемор болалар танлаб олинди. Прогностик алгоритм ишлаб чиқиш давомида ҚАТН бор болаларда хавф омиллари ва прогнозни аниқлаш учун 41 градацияда 17 та белги ўрганилди.

Касаллик белгиларини ва уларнинг даражаларини ҳисобга олган ҳолда диагностик коэффицентларни (ДК) ҳисоблаш қуйидаги прогностик натижаларни кўрсатади: ДК +5 ёки ундан кўп балл йиғилганда бу беморларда операциядан кейинги асоратлар хавфи юқори бўлади ва операциядан олдинги даврда иммунокоррекция зарур ҳисобланади. ДК -5 ва ундан паст бўлганда хавф бўлмайди. Ушбу дастур бўйича ҚАТН бўлган беморларни операция қилиш учун энг қулай интервал ДК -5 дан +5 баллгача бўлганда кузатилади.

Қоринчалар аро тўсиқ нуқсони бўлган болаларни текшириш, асоратлар ривожланишини башоратлаш ва даволаш тактикасини танлаш учун яратилган дастур DGU № 02417 (2012й) рақамли гувоҳнома билан патентланган бўлиб, кардиолог, кардиохирург ва УАШлар учун ҚАТН бўлган болаларда даво тактикасини танлаш учун текшириш ва уларни олиб боришга (ҚАЕ даражасига қараб оператив ёки консерватив) ҳамда, ТЮНнинг кечишини прогнозлашга имкон яратади.

## ХУЛОСА

1. Бухоро вилоятида доимий яшовчи болаларнинг ТЮН билан туғилиш частотаси ҳар 1000 туғилиш учун 4,72 ҳолатни ташкил этади. ТЮН структурасида ҚАТН (44,8%), ФТ (17,1%), БАТН (15,1%), МТТ (8,5%) асосий қисмни эгаллаб мос равишда 28,2; 10,8; 9,5 ва 5,4 промиллини ташкил қилди. Ўғил ва қиз болалар нисбати 1:1. Қишлоқ жойларида яшовчи болаларда ТЮНнинг мураккаб турлари 4 марта кўп учради.

2. ТЮНларида CD20<sup>+</sup> лимфоцитларнинг нисбий миқдорининг 1,7 марта ва CD16-лимфоцитларнинг 2,5 марта ошиши фонида CD4<sup>+</sup> лимфоцитлари

миқдорининг 2 марта камайиши кузатилади. Ушбу ҳолатда цитокинларнинг ФНО- $\alpha$  ва ИЛ-10 миқдори 4 марта ошади.

3. ТЮН бор болаларда (ҚАТН, ФТ) қалқонсимон без фаолиятининг пасайиши кузатилади. Эрта болалик даврида ва пубертат ёшда (5 ёшгача ва 15-18 ёшда) кортизол синтезининг ошиши (гипокортизолэмия) хос. Хирургик коррекциядан сўнг кўк турдаги ТЮНларида (ФТ) транзитор гипертиреоид ҳолат ва гипокортицизм, ҚАТНда эса “латент” гипотиреоз ва гипокортицизм кузатилади.

4. Соғлиқни сақлаш амалиётига ТЮНи бор болаларни олиб бориш алгоритми ва ҚАТН бўлган болаларни текшириш, даво тактикасини танлаш ва асоратлар ривожланишини башоратлаш имконини берувчи дастур ишлаб чиқилди ва таклиф қилинди. Туғма юрак нуқсони бўлган болаларни ташхислаш ва даволаш бўйича тавсия этилган ёндашувлар тезкор реабилитация қилиш, операциядан кейинги асоратларни ва ногиронликни камайтиришни таъминлайди;

5. ТЮН бўлган болаларда Тимоген билан иммунокоррекция усули баҳоланди, унинг тиббиёт амалиётида қўлланилиши иммун тизимидаги ўзгаришларни динамикада ижобий силжишига ҳисса кўшади, ТЮНларида ўткир респиратор касалликлар туфайли хирургик коррекцияни кечикиши ҳолатларини камайтиради, шунингдек операциядан кейинги иммун-эндокрин ўзгаришларни эрта бартараф этади, бу болаларнинг умумий аҳволини яхшилади ва иммун системасидаги ўзгаришларни нормал даражагача тиклайди.



**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПРИ НАУЧНОМ СОВЕТЕ ПО  
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ DSc.30.08.2018.Tib.50.01 ПРИ  
ИНСТИТУТЕ ИММУНОЛОГИИ И ГЕНОМИКИ ЧЕЛОВЕКА**  

---

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ**

**САЪДУЛЛОЕВА ИРОДА КУРБАНОВНА**

**КЛИНИКО-ДИАГНОСТИЧЕСКОЕ И ПРОГНОСТИЧЕСКОЕ  
ЗНАЧЕНИЕ ИММУНО-ЭНДОКРИННЫХ ПОКАЗАТЕЛЕЙ ПРИ  
ВРОЖДЕННЫХ ПОРОКАХ СЕРДЦА У ДЕТЕЙ**

**14.00.36 – Аллергология и иммунология  
14.00.09 – Педиатрия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ – 2018**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2018.1.PhD/Tib589**

Диссертация выполнена в Бухарском медицинском институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета ([www.immunology.uz](http://www.immunology.uz)) и информационно-образовательном портале “ZiyoNet”(www.ziynet.uz).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Наврузова Шакар Истамовна</b> доктор медицинских наук, доцент
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Рахманкулова Зухра Жандаровна</b> доктор медицинских наук, доцент <b>Бобомуратов Турдикул Акрамович</b> доктор медицинских наук, профессор
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Ташкентский институт усовершенствования врачей</b>

Защита диссертации состоится «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 г. в «\_\_\_» час. на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней DSc.30.08.2018.Tib.50.01 при Институте иммунологии и геномики человека (Адрес:100060, г.Ташкент, ул. Я Гулямов, 74.Тел./факс (99871) 233-08-55, e-mail: immunologiya@qip.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Институте иммунологии и геномики человека(зарегистрирована за №\_\_\_), (Адрес:100060, г.Ташкент, ул. Я Гулямов, 74.Тел./факс (99871) 233-08-55).

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 год.  
(Протокол рассылки № \_\_\_\_\_ от \_\_\_\_\_ 2018 года).

**Т.У.Арипова**

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор, академик

**З.С.Камалов**

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

**А.А.Исмаилова**

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В последнее время влияние экологически неблагоприятных факторов на организм человека становятся причиной снижения функции иммунной системы, формирования и учащения мутационного прессинга врожденных аномалий. По данным Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ), врожденные пороки развития составляют одну из 10 ведущих причин развития болезней в мировом масштабе. Частота рождения детей на 1000 с врожденными пороками в разных странах варьируется от 1,7 до 14,1 случаев (DALYs)<sup>4</sup>. В структуре детской смертности, связанной с пороками развития, врожденные пороки сердца занимают первую строку<sup>5</sup>.

В мире особое внимание уделяется научным исследованиям направленных на изучение причин формирования врожденных пороков у детей, ранней диагностике на основе иммуногенетических исследований и усовершенствованию методов лечения и их профилактики. При этом актуальным направлением в научных исследованиях является определение изменений биохимических и иммунологических показателей, медиаторов острого воспалительного процесса, генетических маркеров, ранняя диагностика и разработка методов хирургического лечения, использование новых иммуномодулирующих препаратов в лечении и усовершенствование реабилитационных мероприятий при врожденных пороках сердца.

В нашей стране особое внимание уделяется социальной охране населения и усовершенствованию системы здравоохранения, в частности особое внимание уделяется выявлению причин формирования врожденных пороков, ранней диагностике, лечению и повышению качества реабилитации. В Стратегии действий дальнейшего развития Республики Узбекистан на 2017–2021 годы отмечены следующие задания: по «... укреплению здоровья материнства и детства, расширению доступа матерей и детей к качественным медицинским услугам, оказанию им специализированной и высокотехнологичной медицинской помощи, снижению младенческой и детской смертности»<sup>6</sup>. В этом направлении укрепление здоровья детей, особенно, разработка высоких современных методов ранней диагностики и лечения врожденных пороков в раннем детском возрасте приобретает важное значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени соответствует задачам обозначенным в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017–2021 годы» от 7 февраля 2017 года, в Постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-3071 «О мерах

---

<sup>4</sup> The globalstrategy forwomen’s, children’s and adolescents’ health (2016-2030). Every Woman Every Child. Saving lives, protecting futures: Prgress report on the Global Strategy for Women’s andChildren’s Health. New York: United Nations, 2015. [www.who.int/maternal\\_child\\_adolescent/documents/global-strategy-women-children-health-ru.pdf/ua=1](http://www.who.int/maternal_child_adolescent/documents/global-strategy-women-children-health-ru.pdf/ua=1) - 679k

<sup>5</sup> Ахмедова Н.Р., Махкамова Г.Г. Клинические особенности течения врожденных пороков сердца у детей раннего возраста с тимомегалией // Педиатрия №1-2,-2013.-с.- 20-21.

<sup>6</sup>УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы»

по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017–2021 годы» от 20 июня 2017 года и № ПП-2221 «О государственной программе по охране здоровья матерей, детей и подростков на 2014–2018 годы» от 1 августа 2014 года, № ПП-2650 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы охраны материнства и детства в Узбекистане на 2016–2020 годы», от 2 ноября 2016 года, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики.** Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VI. «Медицина и фармакология».

**Степень изученности проблемы.** Среди врожденных аномалий развития, приводящих к инвалидности, врожденные пороки сердца составляют 15-20% (Бокерия Л.А. 2008). Среди ВПС наиболее часто встречаются дефекты межжелудочковой перегородки и в общей структуре составляют 20% (В.А.Квашевич с соавторами, 2013).

Изучена связь между ТВХ20 полиморфизмом генов и формирования врожденных пороков сердца. Установлено, что rs3999950 могут быть связаны с врожденными пороками сердца и ТВХ20 полиморфизмом генов передается предрасположенность ребенка к врожденным порокам сердца (X.F.Yang, 2016); 35 пептидов, расположенных в пределах функциональных областей белковых прекурсоров, могут быть факторами развития биологически активных пептидов для врожденных пороков сердца (X.Li, 2016); NIF-1 $\alpha$  может быть значимым маркером прогноза врожденных пороков сердца и предпосылкой в совершенствовании плановой терапии сердечно-сосудистых заболеваний (Yin H.L., 2016).

Увеличение ФНО- $\alpha$  фактора связано с гипоксией и исключительно лево-правым шунтом, а также способствует задержки роста у пациентов с врожденными пороками сердца (Noori N Matall., 2016).

За период 2006–2011 годы в РПАЦ МЗ РУЗ при вскрытии мертворожденных, новорожденных и детей до 14 лет, у 4,8% из них выявлены ВПС, что ниже данных Международного регистра на 5–7% (М.С.Абдуллаходжаева с соавт., 2012).

В доступной литературе сведения по изучению уровня гормонов щитовидной железы и кортизола при врожденных пороках сердца отсутствуют, что требует дальнейшего изучения состояния гипоталамо-гипофизарно-надпочечниковой системы. Несмотря на ряд проведенных исследований, отсутствует единое мнение о значениях иммуно-эндокринных показателей в прогнозировании течения врожденных пороков сердца у детей.

Наши многолетние наблюдения показали, что оценкой состояния иммунитета и эндокринного статуса больных с врожденными пороками сердца решаются существующие проблемы преемственности в их ведении. Для уменьшения послеоперационных осложнений, смертности и инвалидности при ВПС необходимо разработать единую концепцию ведения

